

УДК 72.035

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЬМОРЧИЛИГИДА ДЕВОРИЙ
БЕЗАКЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Мийзомов Шаҳзод Мурод ўғли
Тошкент архитектура – қурилиши институти**

Аннотация

Ушбу мақолада, Темурийлар даврида биноларнинг улуғвор, архитектуравий композицияси жиҳатидан мураккаб, безакларнинг ривожланган даври бўлганлиги, меъморчиликда безатишнинг янги усуллари ва техникалари пайдо бўлгани, безакларнинг фарқи - бу даврга келиб экстерьер ва интерьер безакларидамеъморий қулолчилик: кошинлар, мозаика, майолика, сирли кесма терракота каби безакларҳақида атрофлича фикр юритилган.

В статье рассказывается о великолепной архитектурной композиции построек периода Тимуридов, развитии декораций, появлении новых приемов и техник декора в архитектуре, различиях в декоре - архитектурная керамика в наружном и внутреннем убранстве: изразцы, мозаика, майолика. Подробно рассмотрены загадочные ниши в стене.

This article describes the glorious, architectural composition of buildings in the Timurid period, the development of decorations, the emergence of new methods and techniques of decoration in architecture, the difference in decoration - architectural ceramics in exterior and interior decorations: tiles, mosaics, majolica, mysterious cuts was able to think in detail about.

Калим сўзлар: Темурийлар даври, архитектура, меъморий ёдгорликлар, Моворауннахр, гирих, кесма сирли терракота, эпиграфика, сирланган фиштлар, Оқ Сарой, Гўр Амир, Кусам Ибн Аббос мақбараси, майолика, кундал.

Ключевые слова: Тимуридский период, архитектура, памятники архитектуры, Моворауннахр, гирих, поперечная терракота, эпиграфика, глазурованный кирпич, Белый дворец, Гур Эмир, мавзолей Кусам ибн Аббаса, майолика, кундал.

Keywords: Timurid period, architecture, architectural monuments, Movoraunnahr, entrance, cross-section terracotta, epigraphy, glazed bricks, White Palace, Gor Amir, Qusam Ibn Abbas mausoleum, majolica, kundal.

Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари эътибор билан ўрганилганда бу ерда меъморий безаклар ўз ўзидан эмас, балки бадиий восита сифатида қўлланилган. Унинг тарқалиши юзалар ва текисликлар композицион

ривожланишига бўйсунади. Ундаги нақшларнинг тузилиши меъморий шаклларни идрок этишга ёрдам беради, безаклардаги рангларнинг бойлиги эса яхлитлик ва деталларни таъсирини янада оширади. Бундан ташқари меъморий безаклар бу амалий санъатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни барпо этишда усталар, рассомлар, нақошлар, хаттот, кўчириб ёзувчи усталар қатнашган.

Ўрта Осиёда ва Эронда меъморчиликда безак бериш X асрнинг охиридан бошланган. У қуйидаги ривожланиш босқичларига дуч келади: ғиштларни ўзини қизгиш табиий рангини сақлаб қолган ҳолда ғиштга нақшларни ўйиш йўли билан безак бериш (X-XII асрлар); кейингиси худди шу йўл билан фақат кўк ранг сир бериш орқали (XII аср); ундан кейинги босқичда (XII-XIII асрлар) эса ҳаворанг ва оқ элементлар ва сирланмаган терракотага. яъни ғиштларга ўйиш орқали безак берилган. XIV асрга келиб Эрон, Хурасон, Моворауннаҳр меъморчилигига девррий безакларида турли хил ранглардан фойдаланиш бошланган. Бундан буён монументал меъморчилик технологик ва бадий жиҳатдан турли хил бўлган рангли сирли кошинларга ўтди. Улардан бир қанчаси, масалан кесма сирли терракота фойдаланишдан чиқиб кетди, қолганлари эса асрлар оша сақланиб келмоқда.[1, 35-б.]

Амир Темур ва темурийлар давридаэнг кўп тарқалган безаклар турига ғиштли мозаика, кесма сирли терракота, бўялган майолика, терма кошинли мозаика, маҳобатли ранг тасвир, деворий суръатлар, кундал усули ва бошқалар киради. Безакларда ғиштларни сирлашда кўпроқ ҳаворанг, кўк ва оқ ранглар қўллаш хос бўлган. Кўп рангли майоликаларнинг нақшларида оч кўк, ҳаворанг, оқ, сариқ, қора рангли бўёқлардан ва иккинчи маротаба пишириш учун сирланмаган қизил, оқ, сариқ бўёқлардан хамда сирланмаган совуқ ҳолда тилла қўлланган.[1,36-б.] XIV асрнинг охиридан то XV асрнинг охиригача майолика ва мозаика монументал меъморчиликда доимий композиция шаклида ёки силлиқланган қурилиш ғиштларини шаклий комбинацияларида теришда қўлланган. Декор кошинлари нақшларининг тузилиши худди ўтган асрдагидек геометрик, ўсимликсимон нақшлардан ва эпиграфик ёзувлардан иборат, фақатгина янги бадий сифатга эга.

Ўрта Шарқда геометрик нақшлар XI-XII асрларда мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Гирих темурийлар даври меъморчилигига ўзгача бадий жаранг топди. Бу даврда унинг маъноси нақшларнинг мураккаблигига эмас, балки бу даврда гирихлар тузилиши жиҳатидан турли хилда бўлгани билан, мўгулларгача бўлган даврдагидан анча соддалиги билан, катта меъморий шаклларга ўзгача ёндошув бўлганлиги билан фарқ қиласи. XIV асрнинг охиридан XV аср бошларигача монументал меъморчиликда катта гирихлар қурилиш ғиштларининг фонида (заминда) ётқизилган. Сирланган ғиштларда

улкан девор текисликлари жойлаштирилган. Минораларнинг тепа қисмida кириш пештоқ безакларида қўлланган. Нақшларга ғишт териш техникаси гирихга бўлган муносабатни белгилаб беради, катта ва нисбатан оддий шакллар циклини шакллантиради. Минораларда нақшлар спирал бўйича ёқиспирал панжараси бўйлаб жойлаштирилади. Бу минора шаклини тепага қараб интилишини кучайтиради. Бу турдаги нақшларнинг услуб бирлиги сирланган ғиштлардан баъзида геометрик шаклларни тўлдирувчи катта қилиб ёзилган куфий хатидир. Унинг ҳарфлари мутлақо геометриклаштирилган, баъзан ҳудди геометрик нақшлардек кўринади. Гирихларнинг панжара (сетка) бўйича такрорланиши қерилиши жиҳатидан геометрик ҳисобланади. Ғишт фонида ромб шаклидаги мозаикалар ўсимликсизмон ислимий нақшлар билан тўлдирилган. У асосан П- шаклидаги кириш пештоқида, равоқларда, биноларнинг қопламаларида қўлланган.[1, 38-б.] Бунга XV аср Машҳад ва Ҳирот минораларини мисол қилиб олишимиз мумкин.

XIV-XV асрлардаги майолика ва мозаика деворий безакларида ўсимликсизмон нақшлар етакчи ўрин эгаллайди. XV аср тасмаларида мозаикали сульс ёзувларини бажарган ҳаттотлар ўз даврининг моҳир усталари бўлишган. Ҳаттот усталар улар учун ажратилган меъморий тасмага катта матнларни жойлаштира олганлар. Сўзлар икки ёки уч қаторда ёзилган, кўпинча эса спирал шаклидаги ўсимликсизмон нақшлар устига, баъзида эса тепасида куфий хатидаги ёзув билан бажарилган. Фон (замин) асосан қўк, хаворангда, ҳарфлар эса оқ, сариқ ёки тилла рангида, ўсимлик новдалари қўк ва оқ рангларда, ўсимлик гуллари ва ғунчалар билан безатилган.[1, 38-б.]

XIV аср сирли **кесма кошинларнинг** ривожланган даври ҳисобланади. Бир тарафдан бу техника ўтган XII-XIII асрнинг бошларидағи кесма сирсиз терракотага асосланган, бошқа тарафдан эса меъморий безакларда янги ривожланиш босқичини белгилаб беради. Чукур ўйилган ёки лойга нақш солиш, ёрқин глазурь билан қопланганлиги баддий эффект беради. Кесма сирли терракота энг биринчи фойдаланилган мақбаралардан бири бу Бухородаги Буян Кулихон (1358-й) ҳисобланади. Обида феруза, қўк ва оқ рангли кесма кошинлар билан безатилган. Сирлашда иккита ранг гаммасидан - оч ва тўқ контрастларда бадиий эффект қурилади. Нақшлар – геометрик, ўсимликсизмон, эпиграфик нозиклиги ва шаклларнинг нағислиги билан фарқланади. Амир Темур даврида усталар ҳудди аввалгидек кесма меъморий безаклардан фаол равища фойдаланганлар. Бу айниқса Шоҳи-Зинда мақбараларида яққол кўзга ташланади. Бу даврда қўрилган мақбараларга Шодимулк оқо, Туглу-Текин, Амирзода ва бошқа мақбаралар киради. Биноларда ушбу турдаги технологиянинг бойлигини кўрсатади: “Безакда асосан кесма сирли терракотадан фойдаланиб, улар чексиз

хилдаги стилизация қилинган ўсимликсимон ва эпиграфик нақшлар нафақат қўшни мақбараларда, балки бошқа ҳеч қайси бинода такрорланмайди.”[3, 253-б.]

Рангли майоликани ишлашда биринчи вазифа – пишириш вақтида рангларни бир бирига ўтиб кетмаслиги ҳисобланади. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланилган. Энг кўп тарқалган усул ўлик томон (қирра) усули бўлиб, унда нақшнинг контури оловга чидамли таркибга эга бўёкларда, аралашмани тўсиб туришда қизил, қора, жигарранглардан фойдаланилган.

Кесма мозаика Моварауннахрда 1380-йилда меъморчилик безакларида амалиётга киритилган. Темурийлар давлати амалий санъатининг ёрқин ютуқларидан бири бўлган. Туман оқа мақбарасининг ташқи безакларида кесма мозаика ривожланишининг кульминацион нуқтасига етган даври эди. Мозаика техникасида ишланган энг зўр обидаларга Шоҳи-Зинданинг бир қанча мақбараларида, Оқ сарой, Гўри Амир, Бибихоним масжиди ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин.

Нақш аввалдан Ўрта Осиё биноларини безашда яхши синовдан ўтган. У қуруқ девор юзасига суртилган ва парусларда, бино ўтказмаларида (своды), панно ва фризлар фонларида, оқ ганч массасини гулганчларни безашда ноорганик бўёклардан фойдаланилган. Бўёклар тоза ҳолда ва шунингдек, битта рангни турли хил тонларига эришишга ёрдам берувчи белил қўшиб фойдаланилган. Колорит асосан оқ ва кўп ранг бирикмасига эга фонда, кўк рангли нақшнинг устунлик қилишига асосланган. Темурийлар даври безакларга ўзгача ифода берувчи тилла қофозларидан фойдаланишга замин яратди. Бундай усул меъморий безакларга ҳақиқий императорлик ҳашаматидан хабар қилди.[4,28-б.]

Текисликдаги нақшли безаклар ислом санъатига XV асргacha бўлган даврда доимий тарзда тўлдирилиб борилган турли хилдаги нақш тузилишини намойиш қилди. Рельефли нақшлар, ўхшаш мотивлар ва композицияларга асосланувчи, деворларга қимматбахо тилладан тикилган матони тақлид қилинганлик эфектини берувчи сифатида пайдо бўлган. Бунга унинг **кундал** деб номланувчи тури мисол бўлади. Кундал тилла ипдан парчага ишириб тикилгандек. Рельеф тўқимасидаги парчанинг ўзи ҳам кундал деб номланган.[1.38-б.] Деворий нақшларда рельеф қизғиш ганчли массани қизил кесак ўсимлик елими билан аралashiши ёрдамида эришилади. У нақшнинг керакли белгиланган жойига, керакли баландликни олгунга қадар қатламига суртилган. Кейин рельефли қисмига қофозли тилла кўйилган ва унинг бошқа қисмлари бўялган. Шунингдек бу техника рельефли майолика таъсирида пайдо бўлган деб ҳисобланади. Рельефли расм тушуриш XIV асрда Хоразм майоликасига хос бўлган. “Кундал техникаси билан рельефли майолика техникаси ўртасида илдизи умумий тарихга эга бўлган генетик алоқа мавжуд”.[5,270-б.]

Ҳаммамизга маълумки, Ўрта Осиёда нақшларда тилла мўғулларгача бўлган даврда хам бўлган. Г.А. Пугаченкованинг таъкидлашича тилланинг рельеф бўйича ишлатилиши узоқ Шарқ санъатининг таъсири бўлган.[1,15-б]Л.И. Ремпель 1330-йилларда кундал техникасининг ilk шакллари Қусам Ибн Аббос мақбарасининг гўрхонасида панель қисмида 4 қатор саккиз қиррали юлдуз, уни Эрон қандлига ўхшаш нақшда кесишганбезакда хамда куфий ёзуви билан тўқилган мотивли фриз безакларида сақланган деб таъкидлаган. Безакнинг ишган қисми тилла билан безатилган. Шунингдек нақшларда зайдун-яшил ва қизил ранглардан ҳам фойдаланилган.[5, 264-б.] Амир Темур ҳукмронлик даври қурилишни монументаллаштириш кундал усулининг ривожланишига ва нақшларни тилла билан безаш технологиясига тўғридан тўғри таъсир кўрсатди.

Кундал усули шаклий безакларда яна иккита улуғвор бўлган биноларда - Бибихоним ва Гўри Амир мақбараларида бўлган. Бибихоним масжиди интеръерининг асосий биноси рельефли розеткалари маҳсус тилла ва ультрамарин рангли коғозларини ганчли қориshmада шипга майда михлари билан қотирилган. Хозирги замонавий тилда ушбу устки қисмларни мато безаги билан қиёслаб “заргарлик безаклари” деб номлашди.[5, 322-б.] Гўр Амир мақбарасида эса ички девор безакларида, парусларда ва гумбаз безакларида ушбу усулдан фойдаланилган. Тилла кўк ранг билан – темурийларкундалусулининганъанавий ранг бирикмаси хисобланади. Ушбу гамманикӯшимча: тўқ-қизил, яшил, хаворанг ва оқ ранглар тўлдирган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ҳукмронлик қилган давр нафақат биноларнинг катта, улуғвор, архитектуравий композицияси жихатидан мураккаб, балки безакларнинг ҳам ривожланган даври бўлган. Меъморчиликда безатишнинг янги усуллари ва техникалари пайдо бўлган. Амир Темур бошқа давлатлардан энг яхши усталарни олиб келган ва қурилишга катта эътибор берган. Ундан олдинги даврдан бу давр безакларининг фарқи - бу даврга келиб экстерьер ва интеръер безакларидамеъморий кулолчилик: кошинлар, мозаика, майолика, сирли кесма терракота каби безаш усулларида турли ҳил ранглар гаммасидан кенг фойдаланила бошланди. Меъморий кулолчилик безакларида ранглар асосан феруза, кўк, хаворанг ва оқ ранглардан иборат бўлган. Бундан ташқари интеръер безакларида деворий суратлардан, кундал усулидан, монументал тасвирий санъат, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлигидан кенг фойдаланилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. XV в. Ведущие тенденции и черты. – Ташкент, 1976.
2. Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса). – Бухара, 2003.
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. Ташкент, 1965.
4. Гюль Э. Архитектурный декор эпохи Темуридов. – Ташкент 2014.
5. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. – Ташкент, 1961.
6. Аҳмедов М. Ўрта Осиё мъеморчилиги тарихи. Т.: 1995.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.: 2000-2006.
8. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т., 1972.
9. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улугбек даври архитектураси. – Т., 2014.